

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдолар умумий ҳажми 1,05 трлн сўм (\$88,04 млн)ни ташкил этиб, 2024 йил ноябр ойига нисбатан 13,74 трлн сўмга ёки 14 барабарга камайди.
- Шу билан бирга, 629,21 млрд сўм (\$52,55 млн)и ёки 59,81% биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларни ташкил этди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 33 050 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг ноябр ойига нисбатан 6 076 тага ёки 15,53%га камайди. Шундан 28 927 та битим котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 4 123 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 52,60 млрд сўм (\$4,40 млн)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 653 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 1,7 фоизга ошиб, 719,87 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 135,29 млрд сўм (\$11,29 млн)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг ноябр ойига нисбатан 14,29 трлн сўмга камайди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (62,43 млрд сўм) Neco Board платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 6,76 млрд сўмни (\$564,51 минг)ни, битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 350 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 4,64 трлн сўмга ёки 1,7 фоизга ошиб, 275,26 трлн сўм (\$23,13 млрд)ни ташкил қилди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,04 трлн сўм (\$339,70 млн)ни ташкил этди.

Ой якунига кўра, 93 та акция эмитентларининг 135 та инструментлари биржа котировкалаш варағида қайд этилди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		11/21	11/22	11/23	11/24	11/25
Савдо ҳажми	млн сўм	142 185	231 344	12 613	14 427 538	135 291
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	6 463	10 516	573	687 026	6 765
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	15	32	0,3	624	5
Битимлар сони	дона	9 338	7 291	36 119	23 129	27 001
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	424	331	1 642	1 101	1 350

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, UCI индекси 1,7 фоизга ошиб, 719,87 пунктни ташкил этди.

2025 йил Ноябрь ойи учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 493,92 млрд сўм (\$41,26 млн)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг ноябр ойига нисбатан 242,07 млрд сўмга ёки 96,12 фоизга ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 24,70 млрд сўм (\$2,06 млн)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 96 тани ташкил қилди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 2,05 трлн сўм (\$172,14 млн)ни ташкил этди.

Ой якунига кўра, 12 та облигация эмитентларининг 24 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида қайд этилди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		11/21	11/22	11/23	11/24	11/25
Савдо ҳажми	млн сўм	3 001	553	3 686	251 850	493 923
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	136	25	168	11 993	24 696
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	750	61	37	1 058	256
Битимлар сони	дона	4	9	99	238	1 926
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0	0	5	11	96

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкаш varaғида 103 эмитентнинг 159 та инструменти мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 4 123 та битим тузилиб, ўтган йилнинг ноябр ойига нисбатан 7,58%га пасайди.

Савдолар ҳажми 422,83 млрд сўм (\$35,49 млн)ни ташкил этиб, ўтган йилнинг ноябр ойига нисбатан 6 баробарга ошди.

84 та эмитентнинг қимматли қoғoзлари битимлар объекти бўлди.